



ал-Бувейб жанги (2-кисм)

Уч карра айтилган «Аллоху акбар!» такбири жангга сигнал бўлиши, сўнгра тўртинчи такбир билан умумий хужум бошланиши керак эди. Лекин Мусанна биринчи такбирни айтиши билан ўз кучларига ишончи комил бўлган форс аскарлари хужумга ташланади. Мусулмонларнинг биринчи сафлари душманнинг босими остида яксон килинди. Уларнинг ахволларини кўрган Мусанна дархол раҳбарлардан бирини чакириб, аскарларга куйидаги хабар етказишни буюрди: «Амир сизга салом йўллаб, бу кунда мусулмонларни шарманда қилмаслигингизни айтади». Улар: «Йўк, биз сизни шарманда қилмаймиз!» деб жавоб берди. Кейин форсларнинг биринчи дахшатли зарбасини олган, таркалган ва сийраклашган сафлар яна ёпилди.

Жанг узок давом этади. Мусанна ўзининг чопкир отида мусулмонлар каторлари орасида чопиб, уларни «Мусулмонларни шарманда килманг! Аллохга ёрдам беринг ва у сизларга ёрдам беради!» сўзлари билан кувватлаб туради. Форсларнинг сон бўйича устунлиги сабабли жангни узок давом эттириш мусулмонлар учун фойдали эмаслигини тушуниб, Мусанна араб кабилаларининг айрим етакчиларини чакиради. Уларга бир нечта доворак жангчиларни танлаш, форслар саркардаси Михраннинг олдига етиб бориш ва уни ўлдириш вазифасини кўйишни буюради. Тарихчиларнинг хикоя килишларича, бу ишни Жарир ибн Абдуллох уддалай олган (бошка манбаларга кўра, ал-Мунзир ибн Хассан). Бу хабарни олгач, Мусанна барча жангчиларга душманга хал килувчи зарба беришни буюрди. Мусулмонмалар ўз босимини оширди ва каттик хужум остида форслар маркази ларзага келди. Чанг тингач, унгача душман томонидан четга сурилган мусулмонларнинг канот кучлари ўзига келиб, олдинга боради. Форс жангчилари кўприкка ташланади. Бирок Мусанна кўприкка биринчи бўлиб етиб келади ва душманнинг кочиш йўлини кесиб кўяди. Ноиложликдан форслар ўз таъкибчиларига ташланади. Лекин Мусанна бошчилигидаги мусулмонларнинг кичик гурухи каттик карши хужумларни даф килади. Бу жанг катнашчиларидан бири кейинрок хикоя килишича: «Биз куваётган душман дарёга дуч келиб тўхтаб колди ва чекиниш учун йўл тополмасдан, ортга кайрилди ва бизга ташланди. Кимдир бизнинг саркардага байрокни ортга каратишни айтиб кичкирди. «Менинг ишим, - дейди саркардамиз, - байрокни олга олиб бориш, ортга эмас. Шундай килиб биз олдинга ташландик ва душманни киличдан ўтказдик, улардан биронтаси дарёгача етиб боролмади».

Юкорида айтиб ўтилганидек, форслар жанг майдонида юз мингдан ортик курбон колдирди. Узок йиллар давомида уларнинг суяклари шу жойларда чириб ётди ва бўлгуси Куфа ахолиси бир неча йиллардан кейин хам бу жанг изларига дуч келди. Мусулмонлар хам катта йўқотишларга учради. Тўрт мингга якин киши шахид бўлди.

Улар орасида Мусаннанинг укаси хам бор эди. Уни жанг майдонидан огир яраланган холда олиб келишади. Мусанна укасига карар экан, унинг бундай деганини эшитди: «Бану Бакрнинг байрокларини кўтаринглар, Тангри сизларни кўтаради! Мен вафотим сизни гам-гуссага кўймасин!» У вафот этгач, Мусанна уни колган шахидлар билан дафн килди. Дафн этилгач, Мусанна шавкатли жангчиларнинг тартибли сафлари олдида туриб деди: «Менинг гам-гуссам уларнинг саботли бўлгани билан юмшайди! Улар оркага бир кадам ташламадилар! Мана улар – ал-Бувейб жафокашлари, олдимизда ётибди!» Ал-Бувейбдаги буюк галабадан бир неча ой ўтиб, Мусаннанинг ўзи вафот этди. У «кўприк жанги»да олган огир жароҳатларининг асоратларидан хеч қачон қутулмаган. Аллох уни ва Аллох дини учун жонини берган барча мусулмонларни раҳматига олсин!

Абу Муслим таржимаси